1 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 228 (5519).
5 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА

Мусобақа пешқадамлари

1988 ЙИЛ ҲИСОБИГА

БУГУН

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг аксарият ишчилари СССР Конституцияси куни шарафига зарбдор вахтада туриб, зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Шу кунларда ўн биринчи беш йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажарилганлиги ҳақида кетма-кет рапортлар келиб тушмоқда.

Корхонада ташкил этилган социалистик мусобақада тўқувчи Л. Фарзалина пешқадамлик қилаяпти. У тинғиз зонага хизмат кўрсатишга ўтиб, илғор иш усулларини қўллаш натижасида 1983 йилнинг 18 июнида шахсий беш йиллик топшириғини адо этган эди. Шу йилнинг февралида эса олти йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт берди, 28 августда эса 1987 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади.

Илғор ишчининг муваффақиятли бирлашма коллективи учун ёрқин намуна бўлди. Ундан кейин мусобақанинг янгидан-янги пешқадамлари пайдо бўлди. СССР Конституцияси куни арафасида етти йиллик топшириқни бажариш учун курашиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига зарбдорчасига ишламоқда. Айни пайтда корхонанинг ўн беш нафар тикувчиси ана шу илғор ташаббусни қўллаб-қувватлаб тер тўкяпти. Ш. Қорабоева, А. Зоҳирова, М. Аҳмадхўжаевлар шулар жумласидандир.

Фабрика коллективи юбилей йилида 27 миллион 910 минг сўмлик янги маҳсулот тайёрлашга бел боғлаган.

1989 ЙИЛНИ ҚАРШИЛАБ

БУГУН

«Подъёмник» заводи коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги, немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини шарафига социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Бу ерда қутлуғ юбилейга бағишлаб оширилган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилаётган ишчилар коллективнинг асосий қисмини ташкил этади.

Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасининг илғорлари Машкура Одилова ҳамда Рашида Шарафутдиновалар 1988 йил ҳисобига маҳсулот топшира бошлашди. Бу икки меҳнат илғори бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш учун курашиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига зарбдорчасига ишламоқда. Айни пайтда корхонанинг ўн беш нафар тикувчиси ана шу илғор ташаббусни қўллаб-қувватлаб тер тўкяпти. Ш. Қорабоева, А. Зоҳирова, М. Аҳмадхўжаевлар шулар жумласидандир.

Фабрика коллективи юбилей йилида 27 миллион 910 минг сўмлик янги маҳсулот тайёрлашга бел боғлаган.



ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

З. Талтаеванинг Тошкент тўқимачилик комбинати ўров цехида инструктор бўлиб ишлаётганига икки йил бўлди. Ана шу вақт ичида у ўнлаб ёшларга касб сирларини пухта эгаллашда яқиндан ёрдам берди. Ҳозир улар комбинатда муваффақиятли меҳнат қилишяпти. Ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари, жамоат ҳаётида актив иштироки учун партия ташкилоти уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиб, катта ишонч билдирди.

Шу кунларда З. Талтаева ва унинг собиқ шогирдлари, комбинатнинг бутун коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зарбдор вахтада туриб меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: З. Талтаева.

В. Сироткин фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 4 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришинга Ленин орденн ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони иккинчи «Уроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Мукофотни топшириш чоғида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ В. В. Гришин жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ В. В. Гришинга мукофотни топшириш маросими ҳақида батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

● СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Яман Араб Республикасининг Президенти А. А. Солиҳ шу йил октябрь ойининг биринчи ярмида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

ШОНЛИ САНА

Ўзбекистон жамоатчилиги Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг 35 йиллигини нишонламоқда. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 4 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди. Йиғилишда республика пойтахтининг олий ўқув юртларида таълим олаётган ГДРлик студентлар, дўст мамлакат туристлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар немислар диёрида барпо этилган биринчи ишчи-деҳқонлар давлати ҳозирги вақтда жаҳонда саноат жиҳатдан ривожланган ўнлаб мамлакатлар сафидан ўрин олган, дейишди. Бунга эса СССР билан ГДР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик туфайли эришилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ва кардошларча дўстликни мустаҳкамлаш Европада ва бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ишига пухта хизмат қилади, деб таъкидланди.

(ЎзТАГ).

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

№5

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,54	55,17
Тошкент	3,77	49,78
Андижон	2,61	48,55
Наманган	3,00	43,04
Сурхондарё	2,65	41,05
Бухоро	1,61	35,32
Хоразм	2,65	32,69
Самарқанд	2,32	30,87
Навоий	1,47	27,50
Қашқадарё	1,26	22,21
ҚҚАССР	2,20	21,20
Жиззах	2,49	19,91
Сирдарё	3,44	18,52
Республика бўйича:	2,46	35,38

МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Н. АБДУЖАББОРОВ,

«Миконд» заводи партия комитетининг аъзоси, пахтакорларга оталиқ ёрдами кўрсатиш штабининг бошлиғи.

— Биз ҳаммамиз—пахтакормиз. Заводимиз ходимлари шу кунларда ўзларини пахтакор деб ҳисобламоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ҳар бир дақиқа ғанимат бўлган теримнинг шу палласида пахтакорлар бизнинг ёрдамимизга умид боғламоқдалар. Ўтган мавсумда бизнинг корхонамиз ишчи-хизматчилари Сирдарё областининг Оқолтин районидаги 10 ва 17-совхозларда йиғим-теримда жонбозлик кўрсатган эдилар.

Шу кунларда эса заводимиз ходимлари пахтакорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга бел боғладилар.

Пахтакорларга оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича штаб ишчи-хизматчиларнинг пахта йиғим-теримида юқори унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур тайёргарликни кўрди. Коммунистлар бошчилигида 300 га яқин ишчи-хизматчи қалб амри билан йиғим-теримда қатнашади. Тошкент область Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Иш жойларида қолган ишчилар эса пахтазорларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларининг ҳам нормаларини бажарадилар.

Колхозда «Миконд» заводи коммунистларининг вақтинчалик партия группаси тузилади. Унинг асосий вазифаси пахтакорларга оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан коммунистлар, ишчи-хизматчиларнинг теримда актив қатнашиши, юқори самарадорликка эришишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи йилида етиштирилган мўл «оқ олтин»ни бир толасигача қўймай йиғиб-териб, она—Ватанга топшириш фақат дала меҳнатчиларининггина эмас, балки ҳар бир шаҳарликнинг ҳам муқаддас бурчидир.







КАТТАЛАР БИЛАН БИР САФДА

ФОТОРЕПОРТАЖ

Қуёшнинг заррин нурлари борлиқни қамраб олган. Атроф эса оппоқ пахта далалари билан қопланган. Йўлда бир зум тўхташга тўғри келди. Ильич районидаги Ғ. Ғулом номли совхозда пахта тераётган ёшлар тушлик қилиш учун тўпланишганига гувоҳ бўлдик. Уларнинг айримлари аллақачон тушлик қилишиб, транзистордан таралаётган оҳангдор куй зарбида шўх рақсга тушишмоқда. Хуллас, ёшлик завқи бу ерда ҳукмрон экан.

Ёш пахтакорлар олдиларига келиб тўхтаган машинани улар «Бизнинг ҳамшаҳарларимиз — «Оқшом»чилар келишди» дея қизғин қарши олишди. Чўлқуварларга амалий ёрдам беришга ваъда берган — Тошкент шаҳридаги Ибн Сино номли 211-мактаб ўқувчилари экан. Ёш пахтакорлар билан қизғин суҳбатлашдик. Ўқувчиларнинг қалб сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, ёшлар республикамизнинг шонли юбилейи йили ҳосилини тезроқ йиғиштириб олишишга ўзларининг ватанпарварлик ҳиссаларини қўшишмоқчи.

— Тошкент шаҳридаги юқори синф ўқувчиларининг «Бутун синф билан — пахта даласига!» деган ташаббусини мактабимиз ўқувчилари қизғин кутиб олишди, — дейди мактаб директори Валентина Алексеевна Попова, — улар ўз йигитларидан тенгдошларни ташаббусини қизғин маъқуллаб, пахтазорларда фидокорона меҳнат қилишга сўз беришди. Пахта йиғим-теримида 9-10 синф ўқувчиларидан 120 нафари иштирок этмоқда. Совхозда ёшларнинг фидокорона меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилган. Улар совхоз идорасига — тоза ва иссиқ хоналарга жойлаштирилган. Ўқувчиларнинг дам олиши ҳам яхши уюштириляпти. Улар яхши ишлаш билан бирга мириқиб ҳордиқ чиқаришни ҳам билишади.

Дам олиш ўз йўлига, аммо яхши ишлаш ҳам керак. Дастлабки кунларданоқ ўқувчилар тажрибали ўқитувчилар кўмагида пахтазорда фидокорона меҳнат қилаолишлари мумкинлигини кўрсатдилар. Е. Саутина, Н. Мордвинова, Л. Шилилова сингари пахтакор ўқувчилар ҳар куни 30—40 килограммдан «оқ олтин» теришмоқда. Илғорларга эса бошқалар тенглашишга ҳаракат қилишяпти. Хуллас, иш кун сайин қизиётир.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ПАХТА МАДҲИ

Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи залларида пахта тасвири туширилган кўпгина санъат асарлари намойиш этилмоқда. Пахта тасвирлари илк бор амалий санъат турларида кўрмиз. XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги ганчкорлик, каштачилик, кулолчилик, наққошлик, заргарлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги ва меъморчилик санъатида пахта рамзини кўриш мумкин.

Совет даврида пахта халқ усталари ва рассомларининг севимли мавзуи бўлиб қолди. Уста Усмон Икромов, Тошпўлат Арслонқулов, Уста Ширин Муродов, Маҳмуд Усмонов, Қодиржон Ҳайдаров, Ота Полвонов, Сулаймон Хўжаев ва ёш уста Ортиқ Файзуллаевлар амалий санъат намуналарида пахта нақшларини катта илҳом билан яратдилар.

Тасвирий санъатда Александр Волков, Баҳром Ҳамдамий, Уста Мўмин, Николай Караханлар каби рассомлар пахта мавзунда асарлар яратишди. Эндиликда шу мавзуда жуда кўп рассом ва ҳайкалтарошлар ижод қилишяпти.

Уларнинг музейида намойиш этилаётган асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН

МОСКВА. Бугун бу ерда шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов—Г. Каспаров матчининг навбатдаги тўққизинчи партияси ўйналади. Оқ доналар билан А. Карпов ўйнайди. Ҳозирча матчда жаҳон чемпиони 3:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

* * *

ВОЛГОГРАД. Кеча бу ерда аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг тўққизинчи партияси ўйналиши керак эди. Левитина таваффус олганлиги сабабли партия 6 октябрга кўчирилди. Бу ерда чемпионликка даъвогар И. Левитина 4,5:3,5 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

АҚШ САЙЛОВ АРАФАСИДА

Америкада президент сайловига бир ойдан ҳам кўпроқ вақт қолди. Мамлакат матбуоти ва оммавий ахборот воситалари бу воқеага кабинийки, кўп жой ва вақт ажратганлар. Рейган тарафдорлари ўз ҳомийларининг сайловдан сайловгача ўтган даврдаги фаолиятини ҳар қанча кўкларга кўтариб мақтасинлар, мамлакат ташқи ва ички сиёсатидаги иллатлар, экономика ва социал ҳаётдаги таназзуллар кўриниб қолаяпти. Уларнинг реал ҳаётдан ажралиб қолган қуруқ сафсаталари ҳеч кимни ишонтираолмаётир.

Республикачилар вакили Рональд Рейган давлат тепасига келгандан бери ўтган тўрт йилга яқин мобайнида ғарб матбуотининг эътироф этишича, АҚШ давлат қарзи йилига 200 миллиард доллардан ошиб борган. Мамлакатда ишсизлар сони ўн миллиондан ошиб кетди. Қашшоқлар ва ўрта камбағаллар эса 35 миллион кишидан ортиқ. Мамлакатда ишга яроқли аҳолининг ўн процентга меҳнат биржаларида, текинга оби-ёвғон улашиладиган жойларда навбат кутяпти. Бу рақам қора танлилар орасида 20 процентга етади.

Маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа социал ҳаражатлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори аёвсиз қирқилмоқда. Рейган маъмурияти ҳукумат тепасига келгандан бери бу мақсадлар учун ажратилган маблағлар 30 процентдан ортиқ қисқартирилди.

Мамлакатда рўй берастган адолатсизликлар ва тартибсизликлар натижасида ахлоқий ва маънавий бузғунчилик авж олиб кетди. Алкоголизм, бангилик, ўғрилик, порахўрлик, бузуқчилик, қотиллик авжига минди.

Расмий маълумотларга қараганда қотиллик кейинги тўрт йил ичида 60 процент кўпайган. Кук — Лукс — кланчилар ёвузлиги 450 процент кўпайди.

Беш қўл баробар эмас, деганларидек, Рейган даврида яйраб яшнаганлар ҳам бўлди. Булар ҳарбий корпорациялар хўжайинлари, йирик саноатчилик, «Оқ уй» теварагида гирдикапалак бўлиб юрган сиёсатчи порахўрлардир. Америкада миллиардерлар ҳонадони 70 дан, миллионерлар оиласи 200 дан зиёд. Рейган кабинети аъзоларининг ҳар тўрттасидан бири миллионер. Булар вице-президент Буш, мудофаа министри Уайнбергер, молия министри Риган, адлия министри Смит ва бошқалардир.

Америка молия олигархияси намояндалари ҳам ёмон яшашмаётир. Улар мамлакат аҳолисининг ярим процентини ҳам ташкил этмаганлари ҳолда жамият бойлигининг ярмига яқинига хўжайинлик қиладилар.

Рейганнинг президентлик даврида Пентагон генералларининг ошиқлари олчи бўлиб қолди. Кейинги тўрт йил ичида уларнинг бюджетлари 40 процент кўпайди. Бу ҳали чегара эмас, демоқда «Оқ уй» корчалонлари. Шу йилнинг биринчи октябридан бошланган молия йилида Пентагонга 280 миллиард 500 миллион доллар ажратилган. Яқин беш йил ичида ҳарбий бюджет икки триллион долларга етади.

Бу қадар катта сарф-харажатлар учун ақча Вашингтон маъмурияти чўнтагидан чиқаётгани йўқ, албатта. Бу миллиардлар яна ўша эзилиб меҳнат қилаётган ишчиларнинг пешона тери эвазига келаётган доллорлар. Оддий меҳнаткашлардан олинаётган солиқлар, социал бюджетлардан қирқиб қолинаётган пуллар эвазига яратиляпти ҳар хил першингларму, сувости кемалари ва бошқа турдаги қирғин қуроллари.

Америка Қўшма Штатларида президентлик сайловига ана шундай тайёргарлик кўрилмоқда.

Владимир Ильич Ленин айтганидек, буржуа демократияси бир тўда амалдорлар ва пулдорлар демократиясидан бўлак нарса эмас. Буни буржуа матбуоти ва оммавий ахборот воситалари ҳар қанча яширмасинлар, жаҳон огоҳ.

Ш. ҚОСИМОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент асбобсозлик заводининг халқ истеъмоли товарлари участкасида уй устахоналари учун «Сантехник набори»нинг дастлабки намуналари тайёрлаб чиқарилди. Ҳозир корхонада ана шу маҳсулотга аҳолининг талаби ўрганилмоқда. Шак-шубҳасиз, санитария-техника жиҳозларини уй шароитида майда ремонт қилишда жуда кўл келадиган ана шу асбоб-ускуналар магазинларнинг пештахталарида қолиб кетмайди.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 8—10, эртага кундузи 22—24 даража иссиқ бўлади.

• Коммунистнинг шахсий намунаси

Шонли юбилей шарафига

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилнинг биринчи ярмида социалистик мусобақа якунларига кўра уй-жой қуриш трести коллективи соврини ўрнини эгаллаган эди. Шу кунларда юбилей олди мусобақаси тобора авжига чиқмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларидан келиб чиқиб коллектив кўпроқ уй-жойлар бунёд этиш, турар жойларнинг сифатини яхшилаш учун курашмоқда. Бошқармалар, бригадалар ўртасида мусобақа кенг йўлга қўйилган.

Қурувчиларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. Масалан, бригада аъзолари эрталаб махсус ажратилган транспортда объектга элтиб қўйилади. Ишдан сўнг эса уйларига олиб борилади. Шунингдек ишни бригада усулида ташкил этиш ҳам иш унумини оширишга ёрдам бермоқда.

Трестга қарашли 3-йирик панелли завод коллективи мусобақада яхши натижаларга эришмоқда. Шу трестга қарашли қурилиш-монтаж бошқармалари ўртасидаги мусобақада эса 40-қурилиш монтаж бошқармаси коллективи олдинда бормоқда, «Ташмосстрой» бошқармасининг М. Иванов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси ўтган саккиз ойлик топшириқни 134 процент адо этди.

Меҳнат унумдорлигини қўшимча бир процент ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш учун курашаётган бригадалар сони тобора ошиб бормоқда. Трестда 29 та бригада бор. Шундан 23 та бригада хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда.

Ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат. Қурувчилар буни яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам иш суръатини тобора оширишга интилмоқдалар. Шу йилнинг иккинчи квартал якунлари бўйича қурилиш-монтаж ишлари муддатларини қисқартирганлиги, уй-жойлар сифатини яхшилаганлиги, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини ошириб адо этганлиги, қурилиш материалларини тежаганлиги, техникадан самарали фойдалангани учун Р. Абдураҳмонов бошчилик қилаётган бригадалар уч минг сўмдан зиёд, Г. Дектяров бошлиқ бригадага икки минг сўмдан зиёд, В. Демидов бошчилик қилаётган бригадага эса беш минг сўмдан зиёд рағбатлантирувчи мукофотлар берилган эди. Ҳозир бошқа бригадалар коллективлари ҳам улардан намуна олиб иш суръати ва сифатини янада оширишга интилмоқдалар. Шуниси қувончлики, юбилей йилининг биринчи ярмида коммунистлар етакчилик қилаётган пешқадам бригадалар куч-ғайрати билан 23 та объект муддатидан 24 кун олдин фойдаланишга топширилди. Кўпгина коллективлар юбилей шарафига ана шу иш суръатини сақлашга интилмоқдалар.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.



Шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир қатор илғорлари 1984 йил шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар. Бу уларнинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига совғаларидир. Тўқувчи Матлуба Қудратуллаева ана шу илғорлардан бири. У 1984 йил шахсий топшириғини тўққиз ойда бажаришга муваффақ бўлди.

СУРАТДА: М. Қудратуллаева.

В. Сироткин фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар

• НОМ ҲАМ—ҲУСН

ЧИРОЙЛИ ВА БЕХАТО БЎЛСИН

Тошкент! Серқуёш, хушманзара, кўркам, ғоят латофатли, ҳавоси ёқимли, сувлари кавсар шаҳар. Унинг боғ-роғлари, хиёбонлари, анҳор-ариқлари, зилол кўллари, кенг майдонлари, маҳобатли бинолари, сергавжум кенг кўчалари ҳаммани мафтун этади. Лекин гуруч ичида курмак дегандек, баъзи идора ва музейларнинг, кўча ва майдонларнинг номини ўқиб, уларнинг жуда ҳам чалкаш, хато ва тушуниб бўлмайдиган тилда ёзилганига ҳайратда қоламиз.

Шаҳримизнинг Куйбишев районига қарашли Улуғбек посёлкаси кўм-кўк дарахтзор орасига жойлашган хушманзара микрорайонлардан бири ҳисобланади. Шу ердаги магазинларнинг номи «Диляра». Қарангки, ўзбек тилидаги чиройли, эшитса одамнинг ҳавасини келтирадиган «Дилора» сингари ном сабабсиз «Диляра» (ташқи томондан «дили ярали, ғамгин» маъноларни англатади) бўлиб кетган. Дилора атоқли номи рус тилида Дилара тарзида ёзилиши керак.

Рисовий. бекатида ўзбек композитори Мухтор Ашрафий номли кўчага назар ташлайлик. Мазкур кўча «ул. Машрафи» бўлиб кетган. «М» ҳарфининг ёнига нуқта қўйилмай кетилган. Ашрафий киму, Машрафий ким? Максим Горький метростанциясидан чиққач, талантли марксист Поль Лафарг номи билан аталувчи кўчага йўл оламиз. Бу ерда кўча номи ўзбек тилида «Лафарг кўчаси» деб ёзилиши керак, ваҳоланки «Лафарга кўчаси» деб нотўғри ёзилганини кўрамиз.

Метронинг «Пахтакор» станциясидан 17-экспресс автобусига ўтириб, шаҳримизнинг «Абай Қўнанбоев» номли кўчасига йўл олдик. Кўчанинг бир томонига рус тилида, иккинчи томонига ўзбекча ёзилган лавҳаларни кўриб хурсанд бўлдик. Иккаласида ҳам ёзувлар чиройли ва хатосиз ёзилган. Лекин шу лавҳаларнинг устидаги ва кўчанинг ўрта ва охирги қисмларидаги «ул. К. Абая» деб ёзилган ёзувлар илиқ таассуротларимизни йўқотди. Маълумки, Абай Қўнанбойнинг ўғли. Аммо «ул. К. Абая»да эса Қўнанбой Абайнинг ўғли бўлиб қолган. Шунингдек, шаҳарга келган меҳмон узоқроқ масофадан қараганда бу кўчанинг номини «ул. Кабая» деб нотўғри тушуниши ҳам мумкин. Бу қўпол хато, албатта.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ёнидан ўтаётганда «ул. К. Ниязова» деган ёзувга кўзимиз тушди. Бу кўчага машҳур ўзбек математиги, академик Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзов номи берилгани маълум. Кўчадаги ёзувга қараган одам К. Ниязов ким экан, деб албатта ўйланади. Мана сизга чалкаш, пала-партиш ёзувнинг оқибати.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, почта алоқасининг яхши йўлга қўйилишини кўзлаб номлар асосан рус тилида ёзиляпти. Бу яхши, аммо оқибатда ўша номнинг асоси бўлиб хизмат қилган шахснинг ҳақиқий фамилияси бутунлай эсдан чиқиб кета бошлайди. Масалан, «ул. З. Саида» кўчасини олиб кўрайлик. Маълумки, Зиё Саид атоқли ўзбек адиби. Аммо ўша кўчада истиқомат қилувчи ҳамшаҳиримиздан қайси кўчада турасиз, деб сўрасак, у ҳеч иккиланмасдан «Саида» кўчасида тураман, деб жавоб беради. Ёки «ул. А. Каххара» кўчасида истиқомат қилувчи тошкентлик «Каххара» кўчасида тураман, дейди, албатта. Бундай англашилмовчиликлардан қочиш учун, тўғрироғи уларга йўл қўймаслик учун кўчаларга қўйилган лавҳаларни аниқ, хатосиз, икки тилда битта каттароқ асосга ёзиб қўйиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, «Зиё Саид кўчаси» унинг пастидан «ул. Зия Саида» тарзида. Ёки бўлмаса, кўча номларини билдириб турувчи ёзувларни ўзгартирмасдан, яъни келишиклар билан турламасдан беришни қоидалаштириш лозим. Бундай пайтда «Поль Лафарг кўчаси», «ул. Поль Лафарг» тарзида бўлади.

Агар атоқли от турланиб ёзилса, рус тилидаги эркак жинсни билдирадиган от, ўзбек тилида ўз-ўзидан аёл кишини билдирадиган фамилия бўлиб қолади. Бунга ҳам битта характерли мисол келтирамиз. Шаҳримиздаги Я. М. Свердлов номли концерт залини республикамизда билмайдиган одам йўқ, дейилса муболаға бўлмайди. Тошкентнинг марказида жойлашган ушбу кошонанинг тепасида шундай ёзув бор: «Концертний зал им. ЯМ СВЕРДЛОВА номли концерт зали», «Я» ва «М» ҳарфларидан сўнг нуқта қўйилиши лозим эди, улар йўқ.

Турли номдаги вивеска ва лавҳаларни бош-бошдоқларча ҳар хил жойларга осиб қўйишдан олдин уларнинг тўғрилигини тегишли ташкилотлар, масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида янгидан тузилаётган ягона терминология комиссияси ёки «Ҳурмат белгиси» орденли Тил ва адабиёт институти «Нутқ маданияти» бўлими назоратидан ўтказиб, шундан кейингина ҳаётга йўлланма берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу ишларга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги топонимик комиссия аъзолари алоҳида эътибор беришлари лозим.

Юқорида келтирилган фактлар кимларгадир майда гап бўлиб туюлиши мумкин, албатта. Аммо йирик рус туркологи Б. А. Серебренников таъкидлаганидек, она тилимизда майда нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, ҳар бир майда деталнинг тилда ўз ўрни ва катта аҳамияти бор. Ўзбек халқининг доно мақолида айтилганидек «Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсизлик демакдир. Жой номлари хатосиз, чиройли ва аниқ-равшан ёзиб қўйилса, «ном ҳам—ҳусн» дегандек, гўзал Тошкентимиз жамолига бу ярашган ҳолдек чирой бағишлаб туради.

Машариф САФАРОВ,
филология фанлари кандидати.

РЕДАКЦИЯДАН: Маълумки, «Тошкент оқшоми» саҳифаларида шаҳар кўчаларига ном қўйиш масалаларига, уларнинг исмижисмига монанд ва чиройли номлар билан аталишига бағишлаб бир неча бор мақолалар эълон қилинди. Жумладан, Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукруллонинг «Лоқайд бўлмайлик», филология фанлари кандидати М. Сафаровнинг «Исми жисмига монанд бўлсин» сингари мақолалари ва ана шу мақолалар юзасидан газета редакциясига келган кўплаб мактубларда ном қўйиш масалаларига лоқайдлик бўлмаслиги хусусида кенг фикр юритилди, ўз навбатида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги топонимик комиссия бу масалага жиддий эътибор бериши лозимлиги таъкидланди. Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети топонимик комиссиясининг янги составини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда таниқли олимлар, фан ва маданият намояндалари, ҳуллас шу ишга даҳлдор бўлган етук мутахассислар бор. Ўйлаймизки, ана шу топонимик комиссия шаҳримиз кўчаларини номлаш, уларни номерлаш борасида йўл қўйилаётган чалкашлик ва нуқсонларга барҳам беради, номларнинг бехато ва чиройли бўлишига муҳим эътиборни қаратади.

• ЗАФАРЛАРИМИЗ — РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА
• ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА
• ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ГАШТИ
• ХОНАЛАР ИССИҚ БЎЛСИН.

СТАТИСТИКА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА

1985 йилнинг январида мамлакатимизда биринчи марта аҳолини танлаб социал-демографик текшириш ўтказилади. У СССР территориясида яшаётган муқим аҳолининг 5 процентини билан савол-жавоб қилиш йўли билан ўтказиладики, бу тахминан 14 миллион кишини ташкил этади. Бўлажак текширув катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга.

Текширишдан олинган натижалар сўнгги аҳоли рўйхатидан бери ўтган вақт мобайнида мамлакат аҳолиси таркибидаги ўзгаришларни кузатишга, шунингдек ўн иккинчи беш йиллик ва янада олисроқ келажак учун давлат иқтисодий ва социал ривожланиш планини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бўлажак текширув программаси 1979 йилдаги аҳоли рўйхати программасидан кенгроқ бўлиб, рўйхат варақларидаги саволлар анча кўпдир. Масалан, аҳолининг билим даражаси, ёши ва миллий таркибидаги, меҳнат ресурслари структурасидаги ўзгаришлар, аҳолининг қишлоқдан шаҳарга кўчиш жараёни тўғрисида маълумотлар олинади.

Танлаб ўтказиладиган социал-демографик текширув программасида янги маълумотлар бор. Уларни кенг статистик базода батафсил ўрганиш биринчи марта амалга оширилади. Бу никоҳ, туғилиш ҳақидаги маълумотлар.

Текширув материаллари шаҳар ва қишлоқдаги оилаларнинг стабиллиги, никоҳ ва ажралиш миқдори, шунингдек бу оилаларнинг ёши, билим даражаси, турар жой шароити ҳақида маълумотлар беради.

Шундай қилиб партия ва ҳукуматнинг болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш бўйича, социалистик жамиятнинг муҳим ячейкаси сифатида оилани мустаҳкамлаш бўйича, оналикни меҳнат ва жамоат фаолиятида активлаштириш тадбирларини белгилашда текширув материаллари катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда шаҳарда текширувга тайёргарлик кўрилаяпти. Аҳолини танлаб социал-демографик текшириш ишлари ўтказиладиган участкалар белгиланди.

Шаҳарнинг барча районларида аҳолини танлаб социал-демографик текширувга тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий планлари тузиляпти, оммавий-тушунтирув ишлари бўйича тадбирлар белгиланяпти.

Ҳар бир районда ва бутун шаҳардаги текширувнинг муваффақияти биринчи навбатда ҳисобчилар, инструктор-контролёрлар ва рининг сифат составига боғлиқ.

Шаҳар бўйича жами 350 га яқин киши танлаб олиб ўқитилади. 1984 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида махсус ташкил этилган инструктажларда текширувнинг методологик масалалари, шунингдек унинг барча ҳужжатлари батафсил ўрганилади.

Аҳолини социал-демографик текширув натижалари бошқа статистик маълумотлар билан бирга ривожланган социалистик жамият шароитида юз бераётган социал ва демографик жараёнларни кенг ўрганишга қимматли ҳисса бўлиб қўшилади. Шунингдек, халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштириш асосига қўйиладиган ахборотнинг бир қисми бўлади.

Б. МАГАЙ,
Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг бошлиғи.

МАҚТУБЛАРНИ УҚИБ...

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

ЕКИ ЯНА ИСИТИШ ТАРМОҚЛАРИ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

Синоптикларнинг берган маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, ўлкамизда совуқ кунларнинг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Ҳамшаҳарларимиз редакциясига йўллаётган хатларида корхона ва ташкилотларнинг айби билан иссиқлик трассаларида, биноларнинг ертўлаларида, хонадонлардаги иситиш батареяларидаги камчиликлар ҳалигача бартараф этилмаганлиги ҳақида ёзишмоқда.

Чилонзор массивидаги Наққошлик кўчаси 93-уйда яшовчи (9-турар жойлардан фойдаланиш участкаси) Р. Шахмерова, Г. Фотихов, Л. Карлова, Д. Алихоновалар (жами 30 имзо) ўн тўрт йилдан бери уйларда ҳароратнинг қишнинг қировли кунларида ҳам 14 даражага иссиқдан ошмаслиги, ертўладаги қувурдан ҳар доим иссиқ буғ отилиб туриши ҳақида бир неча бор турар жойлардан фойдаланиш участкаси бошлиғига, район Совети ижроия комитетига мурожаат қилганликларини айтишади. Лекин уларнинг арзига ҳеч ким қулоқ солмаётир.

«Ҳадемай қишнинг совуқ кунлари бошланади, деб ёзишибди Октябрь районидаги «Марказ—26» кварталидаги 82, 84-уйда истиқомат қилувчи Еқубов, Ҳакимов, Осмонов, Турсунновлар. Лекин 52-уй-жойлардан фойдаланиш участкасидагиларни-ку парвойи-фалак. Профилактика ишлари олиб борилгани йўқ. Кранлар ёпилса очилмайди, очилса ёпилмайди. Ертўлани ҳамон сув босиб ётибди. Ўтган йили қишда тоза қийналган эдик. Наҳотки, бу йил ҳам ёш болаларимиз билан совуқ уйларда ўтирсак».

«Уймиз Юнусободдаги 38-уй-жойлардан фойдаланиш участкасига қарайди. Ертўладан подъездга ўтаётган иссиқ буғни бартараф этишни илтимос қилаверириб чарчадик. Ахир иссиқликни тежаш, аҳоли шикоятини ўз вақтида бажариш ЖЭУдагиларнинг биринчи галдаги вазифаси-ку. Ҳозир куз. Бу аҳволда қишда ҳолимиз нима кечади?», деб ёзади 11-квартал, 55-уй, 27-квартирада турувчи Ф. Попова.

«Бизнинг уйимиз «Главташкентстрой»нинг 8-ЖЭКига қарашли,— деб ёзади ўз хатини 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидаги 3-уйда яшовчи Л. Стеклова аҳоли номидан. Куз-қиш мавсуми бошланиши билан юрак ҳовучлаймиз. Ертўламиз ва уйимиздаги қувурларнинг ҳаммаси ишдан чиққан. Мана беш йилдан бери 8-ЖЭКка боравериб, ариза ёзаверириб чарчадик. Ёрдам берамиз деб ваъда беришади. Аммо бажаришмайди».

Чилонзордаги 45-уй-жойлардан фойдаланиш участкасидагилар 16-квартал 22-уй, 18-квартирада яшовчи қария И. Дубинчинкина бир неча йилдан бери сарсон қилишади. «Ниҳоят, бундан икки йил аввал уймига қўшимча батареялар ўрнатиб бериш (батареяни ўзим сотиб олдим) ҳақида ваъда беришди. Лекин ҳалигача бажаришмади. Уй-жойлардан фойдаланиш участкасининг ҳамма ишдан чиққан қувурларни ўзгартириш, иссиқ сувни ўчирмаслик ҳақидаги ариза-шикоятларимиз ҳам ҳеч қандай самара бермаяпти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Қиш ғамини ёзда енг»

Октябрь район уй-жой фонди иситиш мавсумига қандай тайёрланаётгани ҳақида юқоридаги сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида босилган рейд материалига Октябрь район Совети ижроия комитети ранси вазифасини бажарувчи Ҳ. Усмонова жавоб берди:

«Газета мақоласи долзарб деб тан олинди, 29-ЖЭУ шаънига билдирилган танқид тўғри деб топилди. Шу йилнинг биринчи ярим йилги иш якунлари бўйича ертўлалар қониқарсиз сақланган, иссиқлик системасини созлаш графигидан ортда қолинган, жорий ремонт плани бажарилмагани учун 29-ЖЭУ бошлиғи Р. Тукшандовага виговор эълон қилинди.

Район Совети ижроия комитети уй-жой фондини қишга тайёрлаш бўйича тадбирлар планининг бажарилишини ўз назорати остига олди.

Иссиқлик ўтиш йўлларидаги босим пастлиги оқибатида райондаги 34 та тўққиз қаватли уйда амалда иссиқлик бўлмаган ўтган қиш тажрибасидан тегишли хулоса чиқариб олинди. 3-район қозонхонасига транзит газ қувурлари трассаси ётқизиляпти. 13 километрга қувур ётқизиб бўлинди. Қозоғистон территорияси бўйлаб 13,5 километрли трасса йиғим-терим мавсуми тугаши билан бажарилади.

Ремонт ишларидаги ва уй-жой фондини қишга тайёрлашдаги нуқсонларни аниқлаш мақсадида маҳаллий Советлар, мутассадирлар ва «Октябрь» уй-жой қурилиш кооперативи уйларини ялпи ревизия қилинди. Текшириш натижалари асосида қўшимча тадбирлар белгиланди, моддий техника таъминоти яхшиланиши учун районда жойлашган саноат корхоналари, министрликлар, мутассасалар ортиқча материалларини ажратишлари ва уй-жойларни иситиш мавсумига тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатишлари учун уй-жойлардан фойдаланиш участкаларига бириктириб қўйилди.

Иссиқлик системасини тайёрлашда йўл қўйилган қолоқлик пудратчи ташкилотлар билан бирга бартараф этилди, уй-жой фонди мавсумига тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштириш асосига қўйиладиган ахборотнинг бир қисми бўлади.

Б. МАГАЙ,
Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг бошлиғи.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИГА—МУҲИМ ЭЪТИБОР

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида гражданларнинг хатлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда ишчи ва хизматчиларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди.

«Қизил тонг» бирлашмаси коллективи социалистик мусобақада ишлаб чиқариш планларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида муайян ютуқларга эришди. Ишчилар ва хизматчилар ташвиш чекмай меҳнат қилишлари мумкин — болалар боғчаси ва ясли-мактаблар, фақат терапевтларгина эмас, балки тор доирадаги мутахассис врачлар ҳам ишлашяпти, санаторий-профилактория дам олиш ва даволаниш мумкин. Ётоқхона фойдаланишга топширилиш арафасида. Ишчиларнинг ишхонага ва уйларига хизмат автобуслари элтиб қўяди. Бироқ, меҳнаткашларнинг меҳнати, турмуш ва дам олиши ташкил этилишини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик кўрсатила бориб, «Қизил тонг» бирлашмасида уларнинг таклифлари ва аризаларни бинни ишлашга етарли эътибор қаратилмаяпти. Хатлар ва аризалар ҳисобга олинмайди ва бошқа ҳужжатлар орасида сақланади.

Ҳужжатларга қўшиб тикиб қўйилган шикоятлар ва аризалар назоратдан чиқарилган ёки чиқарилмаганини баъзан аниқлаш қийин. Бирлашмада иш юритиш ва назоратни ташкил этиш учун масъул шахс тайинланганлиги ҳақида буйруқ ҳам йўқ. Меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларни билан ишлаш ва уларни қабул қилиш ишининг аҳволи маъмурият ва касаба союз комитети томонидан кўриб чиқилмайди.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездни қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида аниқ айтилганки, ҳар бир раҳбар меҳнаткашларнинг хатларни ва шикоятларига эътибор билан қарашни ўзининг халқ, партия олдидаги бурчи деб қарамоғи шарт. Раҳбарларнинг вазифаси хатлар билан ишлашни такомиллаштириш, шикоятларга сабаб бўлувчи нуқсонларни, уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишдан иборат.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Қизил тонг» бирлашмасида меҳнаткашларнинг хатлари ва аризалари билан ишлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, бирлашма бош директори, О. Ҳ. Қодировнинг текширув натижаларини муҳокама қилишда етарли масъулият кўрсатмагани ва шахсий интизомсизлик қилганини кўрсатиб ўтди ҳамда маъмурият ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари зиммасига хатлар билан ишлашнинг аҳволини пухта таҳлил этиш ва уннинг натижаларини бирлашма советининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиш вазифасини юклади.

2 БЕТ Тошкент оқшоми
5 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ГАЗЕТХОН ХАБАР...

МАҚРА Я...

Шаҳримиздаги 3-автокомбинат шу кунларда Ўзбекистон ССР Компартиясининг 60 йиллик тавалл... меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. Бу мусобақада комбинатнинг... Мурод Омонов бошлиқ коллектив... кўлдан бермай келаяпти. Мурод... асрга яқин вақтдан бери шу ко... катта-кичикнинг олқишига сазовор... натсевар, жамоатчи коммунист... даражали. Меҳнат Шуҳрати ордени... Ташаббускор бригада аъзолари... рини юбилейгача бажариш учун... Сўзи билан иши бир ҳайдовчилар... ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Бригаданинг машъал ҳайдовчи... Қизил Байроқ ордени кавалери... коммунист Йўлдош Олимов, Зокир Толипов, Равшан Иброҳимов, болтаев кабиларни ҳурмат билан... зийди. Бу моҳир тежамкор ҳайдовчилар йиллик планларини бажариш ҳақида... дилар.

Ўзбекистон ССР халқ мақтайди...

ҚЎЛИ ГУЛ...

Бешёғоч юлхоз бозорида... прокатга қарашли чинни идишлар... қилиш устахонаси бор. Бу ерда... гавжум. Чунки устахона сохибаси ўзи хушмуомала.

Ислом Раҳимов қадимий бу... эттириб келаётган усталардан. Унинг иши бир, қандай буюртма бўлмасин, куни у ярақлаб эгасини кутиб... ҳам, устанинг ўзи ҳам хурсанд.

Баъзи маиший хизмат соҳасида калондимоғ усталар ундан ибрат... миз.

С. КИМ, Б. Сайдолиб шу куни... шундай тинимсиз... бердики, уйга... малаллаб келдим... ишик олдида кў... билан умр йўл... кутиб олди:

— Барвақт... из бўлмайдими?... лар сизни икки-у... да яшаймиз. Маҳалламиз обод ва... қилса арзигудек сариштa ва... қат бир нарса етишмайди, ҳолос... новвойхонадир.

Агар мутасадди идоралар бу... қурилиши ишига бош кўшса бир... нинг кўнглидаги иш бўлар эди.

А. РАҲИМОВ, Улуғ Ватан уруш...

...ТАНҚИД ҚИЛМ...

«ХОЛИС ХИЗ...

Мен «Север» фирмасининг «... ишониб, шу йил 12 июнь куни 77... орқали уйимизда бузилиб қолган... маркали чанг ювиш машинаси... маркали чанг сўрғич (пилесос)ни... учун буюртма бердим. Эртасига... мерли машинада олиб кетишди... шинани сал кундан кейин олиб... Лекин чанг сўрғични ҳали ҳам олиб... ришгани йўқ.

Ҳар куни телефон орқали сўраш... менинг жонимга тегди. Чунки телефон... эрталаб сўрасам, кечқурун телефон... телефон қилинг, деб жавоб бериш... қилиб, 4 ойдан бери ооворам...

Неверов кўчаси, 5-уйда истиқомат...

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

НОВВОЙХОНА...

Куйбишев районидаги Гагарин... да яшаймиз. Маҳалламиз обод ва... қилса арзигудек сариштa ва шинам... қат бир нарса етишмайди, ҳолос... новвойхонадир.

Агар мутасадди идоралар бу... қурилиши ишига бош кўшса бир... нинг кўнглидаги иш бўлар эди.

А. РАҲИМОВ, Улуғ Ватан уруш...

...ТАНҚИД ҚИЛМ...

«ХОЛИС ХИЗ...

Мен «Север» фирмасининг «... ишониб, шу йил 12 июнь куни 77... орқали уйимизда бузилиб қолган... маркали чанг ювиш машинаси... маркали чанг сўрғич (пилесос)ни... учун буюртма бердим. Эртасига... мерли машинада олиб кетишди... шинани сал кундан кейин олиб... Лекин чанг сўрғични ҳали ҳам олиб... ришгани йўқ.

Ҳар куни телефон орқали сўраш... менинг жонимга тегди. Чунки телефон... эрталаб сўрасам, кечқурун телефон... телефон қилинг, деб жавоб бериш... қилиб, 4 ойдан бери ооворам...

Неверов кўчаси, 5-уйда истиқомат...

Қ А...

Катта-кичик... ярзандининг она... чкинтойларим... гаси мактабда... ади, қолганлар... ёшида. Ҳам... р хонали уйда... га яшаймиз. Т... утоғим билан... он бир хонада... волда яшаётг... қат ўзимизга... рмуш ўртоғ... хоналаридаги... имиздан хабар... га ёрдам... нига яқинда...

Кичкина Г... аси отпуска... эди. Отпус... рничи куниёқ... хола ўғли... дан чиқиб... ришди.

— Ойижон, да нега ра... қилдаб айланиб... б сўраб қолди... — Ў ерда... р, — дея ту... Меднко.

— Счётчик ма?

— Бу шу... собдон ма... з у кўрсатса... ларга қара... ра ҳақинн... из керак бўла... Гоги бир му... аб қолди. Ун... онасида ажинл... б бўлди.

— Ойижон! ниҳоят. — А... ўфёр амакига... Кўрсатганидан... дил берсанг из, Шунда такси...

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР

● ОНА-ВАТАНГА ФИДОКОР КИШИЛАР
● УЙ ТУЙИ НЕГА ҚОЛДИРИЛДИ?
● ЕПИҚ ЭШИҚЛАР ОСТОНАСИДА

Она қалби



Она билан бола — гул билан лола.

Т. Каримов фотоэтюди.

Уруш туфайли навқирон фарзандларидан бевақт ажраб, уларнинг доғида умри армон билан ўтган кўпгина оналарни яхши биламан. Шуларнинг бири менинг онам — Нуринисо Муллаҳмад қизларидир.

Менинг ҳам онам жуда меҳрибон эдилар. Бундан ўн йил муқаддам 75 ёшларида вафот этдилар. У кишн Улуғ Ватан урушида Ленинград қамалида халқ бўлган тўнғич ўғилларига — акамга қаттиқ куйинардилар.

Ҳар сафар онам қабрига бориб, уни зиёрат қилганимда ўша тунда бўлган воқеа ёдимга тушади. Март ойининг ўрталари эди. Иш билан банд бўлиб, уйга кеч қайтдим. Аксига шундай тинимсиз ёғиб бердики, уйга бир амаллаб келдим. Мени ишик олдида кўз ёши билан умр йўлдошим кутиб олди:

— Барвақт келсанг-чи бўлмайдими? Ойимдан сизни икки-уч марта йўқладилар.

Жиққа ҳўл бўлиб кетган плашчимни айтонга улоқтирдиму онам ҳузурига ўқдай отилиб кирдим.

«Келдингми болам» дея менга термулиб ўтирардилар онам. Ҳар куни ишдан қайтганимда алламаҳалгача гапашиб ўтирардим. Суҳбатимиз кўпинча Ленинград қамалида ҳалок бўлган акам Шукрулло ҳақида бўларди. Бу сафар ҳам онам ғамгўслик билан сўз бошладилар:

— Ҳа, аканг ҳаёт бўлганда 55 ёшга кирган бўларди, набираларим яна ҳам кўп бўларди. На қилай... Қаммасига уруш сабаб бўлди...

Юракни эзувчи шундай гапларни айтар-айтмас, нафаслари тиқилиб, сўзлашолмадилар. Мадорлари келмаётгани сезилиб турарди.

— Болам, акангнинг қабри олис ерда қолиб кетди. Иложи бўлганда, албатта ўзим бориб бўлардим. Энди қачон бўлса ҳам акангнинг қабрини топиб, зиёрат қилгин. Дингда бўлсин, боргинда, албатта, бир кним тупроқ келтирнб, еннинг қабрим тупрога қўш...

Онам чарчадилар, ёкилди, қисқа-қисқа талиб, атрофга терла бошладилар. Ният, бир қултум сув иб, ишора билан занққа осиғлик жилдолинган китобни ишини илтижо қилдир. Китоб орасидан ипакка ўралган туморча шаклидаги хатни олиб, қўлларига бердим.

— Болам, бандаликни бажо келтирсам, шу туморчани ўраб кўкрагим устига қўйиб юборишсин.

Туморча шаклидаги хатни яхши биларди. У 1941 йил ўрталарида акамдан келган хат эди. Унда шундай сўзлар ёзилган эди: «Меҳрибоним отажоним! Азиз онажон! Ушбу хатни Ленинград госпиталидан ёзмоқдаман. Олдинги хатимда айтмаган эдим. Ботқоқлик жойларда жанг қилишимизга тўғри келди. Шу сабабли оёғимнинг боди қўзғади. Ҳозир даволанмоқдамаан. Врачларнинг айтишига қараганда, яна бир ойдан сўнг уйга қайтишим керак экан. Хайр, саломатлик билан дийдор кўришайлик. Салом билан Шукрулло. Июнь, 1941 йил. Ленинград шаҳри».

Бу хатни онам ўттиз йил ардоқлаб сақлаб келди. Ниҳоят, ўзи билан бирга олиб кетди.

Орадан бир йил ўтгач, онамнинг васиятига кўра Ленинград саёҳатига отландим. Саёҳатимнинг иккинчи куни Ленинграддан беш километр узоқда бўлган Пискарёв қабристонига йўл олдим.

Мозорни айланар эканман, қабрлар одатдаги гумбазлардан иборат бўлмай, балки алоҳида майдончаларни эслатишининг гувоҳи бўлдим. Ҳар бир майдончага юздан ортиқ мурда дафн этилган. Устига қайсн йил, қайси ойда кўмилганлиги ёзилган, холос. Мунгли садо таралиб турган қабристонда тўрт соат чамаси айланиб юрдим, аммо бирор ерда акамнинг номи ёзилган қабрни топмадим. Шундан сўнг «1941 йил, ноябрь» деб ёзилган қабрдан бир сиқим тупроқни дастрўмолга тугиб, кечга томон қабристондан чиқиб кетдим.

Тошкентга қайтгач, онам васиятига кўра Ленинграддан келтирилган тупроқни шаҳарнинг Сағбон кўчасидаги мозорга элтиб, онам қабри устига қўйдим. Ҳар сафар бу ерга зиёратга келганимда акамнинг хати, Ленинграддан келтирилган тупроқ ва қамалда ҳалок бўлган мард ватандошларим ёдимга тушади.

Ҳамидулла ИЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Меҳри бегона

(ҚАТРА)

Онла устуни дарз кетди... Энди уни тегалаб бўлмайди деган хулосага келишди. Она фарзандини ташлаб кетадиган бўлди... Унинг қарори қатъий эди...

Ана, она ўз фарзандини ташлаб кетаяпти... Унда оналик меҳри бормиди? Нима, унга ўз боласининг майин сочларини тонгда тараб қўйиш, кийимларинн ювиш, нонуштага сутли каша пиширнш оғирлик қиладими?..

Унинг оғзидан «болам» деган сўз чиқди. Аммо шу боласини ҳозиргина ўзи қаҳр билан етти ёт бегонага чиқарган одамларга ташлаб кетаяпть... Фарзанди билан хайрлашмоққа қўл чўзди. «Устун дарс кетгани»дан бехабар бола қичқирлаб кулиб, эркаланиб қўлчаларини олиб қочди. У ўйин билан овора эди. Онанинг терс бурилиб эшикка йўналганини кўргач, талпингандай бўлди. Зум ўтмай, у онг чиқиб кетганини унутди. Эркалигинн опаси «етти ёт бегонага» чиқарган одамларга қила бошлади. Она-чи?

Оиланинг турмуши яхши эди. Кўпларнинкидан яхши эди. Наҳотки битта бола-фарзанд оғирлик қилган бўлса?.. Одамлар шундай деб хулоса чиқаришди. Фарзандини— гулбандини ташлаб кетди, меҳри бегона дейишди. Иснод... дейишди. Бола усиз ҳам улғаяди, катта йигит бўлади дейишди.

Бола улғаяр, мактабга ҳам борар. «Она» ҳақида ншшо ёзишига тўғри келар. Тенгдошлари оналари ҳақида мадҳия битишар. Бу болачи? У нималарни ёзаркин?..

Н. ХОЛХЎЖАЕВА.

Ботир Давронович БОБОЕВ



1984 йилнинг 4 октябрида 71 ёшида оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, 1944 йилдан КПСС аъзоси, истеъфодаги полковник Ботир Давронович Бобоев вафот этди.

Б. Д. Бобоев 1914 йил 15 майда Тошкент областининг Қўйлиқ қишлоғида камбағал ўзбек оиласида туғилди. Унинг меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлади. Ботир Давроновичнинг бутун онгли ҳаёти Қуролли Кучлардаги хизмат билан боғлиқ бўлиб, бунда у солдатдан полковниккача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ботир Давронович Улуғ Ватан урушининг фаол иштирокчиларидан эди. Офицер Бобоев командирлик қилган бўлинма Сталинград остоналарида, Курск Ёйида, Днепрни, Вислани, Одерни кечиб ўтишда, Варшавани озод қилишда ва Берлинни ишғол этишда оммавий қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. Ватан учун жангларда у бир неча марта ярадор бўлди, лекин ёвуз душманни яксон қилиш учун яна сафга қайтди. Оғир йилларда у ўз ҳаётини Ленинниинг буюк партияси билан боғлади. Мардлиги ва жасорати учун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Урушдан сўнг Ботир Давронович жонажон Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округида хизмат қилди. Туркистончи-жангчилар Ботир Давроновични талабчан ва сезгир командир, жангчиларнинг мураббийси, ажойиб инсон сифатида билишади. Запаса бўшатилганидан сўнг ҳам, у сафда қолди.

Ёшларни ўстириш, уларни халқимизнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш ўзбек халқининг содиқ фарзанди бўлган Қаҳрамон учун армиядаги хизмат сингари, оддий бир ҳаётий эҳтиёж эди.

Ботир Давронович узоқ йиллар уруш ветеранлари Совет комитетн Тошкент секциясига бошчилик қилиб, катта ижтимоий-сиёсий иш олиб борди. У уруш ветеранлари Совет комитети Президиуми аъзоси эди, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларига депутат этиб сайланган эди.

Ватан олдидаги хизматлари учун у Ленин ордени, иккита Қизил Байроқ ордени, иккита Ватан уруши ордени, учта Қизил Юлдуз ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланганди. У бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганди ва меҳнаткашларни ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича актив ишлари учун унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилганди.

Жанговор ўртоғимизнинг ажойиб ҳаёти қалбимизда абадий сақланади ва совет халқининг кўпгина авлодларига намуна бўлиб хизмат қилади.

У. У. Умаров, В. О. Козимов, К. П. Дудин, С. М. Юсупов, А. В. Гончарова, В. Н. Колесников, М. У. Ниёзов, Б. Ҳ. Эргашев, В. Е. Сохацкий, С. Ф. Абдуллаев, А. М. Солиҳов, З. Р. Маражапов.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ САМАРАСИ

СОФИЯ. Г. Димитров номидаги Варна кемасозлик комбинатининг коллективи ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш программасини муддатидан бир йил олдин бажарди. Давлат комиссияси 25 минг тонна ҳажмли контейнеровоз ва қуруқ юк ортиладиган икки кемага аъло баҳо берди.

Комбинат бош директорининг ўринбосари Никола Андреев бундай деди: Варна кемасозлик корхонасида ишлаб чиқариш реконструкция қилиниши ва янгиланиши, Совет Иттифоқи билан интеграция тобора мустаҳкамланаётганлиги натижасида бундай кемаларни ясаш мумкин бўлди. Совет мутахассислари янги моддий-техника базани вужудга келтиришда бизга ёрдам бердилар. Бу эса Болгария кемаларининг жаҳон бозорига чиқишига ёрдам берди.Корхона коллективи ҳозирги вақтда кемаларнинг иккита янги хилини тайёрламоқда. Уларни қуришдаги кўп жараёнлар лазер техникаси билан назорат қилиб турилади.

* * *

ХАНОЙ. Шимолий Вьетнамдаги Хашонбинь вилоятида бешта кичик гидроэлектростан ц и я ни реконструкция қилиш тугади. Бу электростанцияларнинг ишга туширилиши олис тоғли районларнинг электр энергияга бўлган талабэҳтиёжини яхшироқ қондириш имконини беради.

Вьетнамнинг тоғ дарёларида кичик ГЭСлар қуриш мамлакатнинг асосан текис қисмда жойлашган ва катта электр станцияларнинг электр энергиясини етказиб бериш ҳозирча мумкин бўлмаган районларини электр энергия билан таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Чунончи, мамлакатнинг шимолий ва марказий тоғли районларида ана шундай кичик станцияларнинг бутун бир комплекси барпо этилмоқда. Бундай станцияларни қуриш арзонга тушади ва иш бошлагандан кейин бир-икки йил ичида ўзини оқлайди.

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати чет эл граждданларининг Панжоб штатига келишини яна икки ойга кечиктирди, деб хабар қилади «Нэшнл геральд» газетаси, Покистон ва Ғарбдаги бир қанча мамлакатлар Панжобдаги аҳволнинг нормаллаштирилишига ҳалақит бериш йўлидаги уринишларни давом эттираётганлиги муносабати билан ана шу қарор қабул қилинди. Сикх экстремистлари чет элдан олинган мададга таяниб бу штатда террор ва диверсия ишларини кучайтириб юборган эди. Ҳинд маъмурлари уларнинг бу хуружига ўз вақтида ва қатъий зарба бердилар. Хавфсизлик кучлари Панжобдаги қуролли бузғунчиларга қарши ўтказган операция вақтида сепаратчиларнинг давлатга қарши фаолиятида қатнашган 40 га яқин ажнабий граждан қамоққа олинди. Тергов натижалари экстремистларнинг бошлиқлари чет эл махсус хизмат маҳкамаларининг «туристлар» ниқоби остида штатда пайдо бўлиб қолган агентлари билан алоқа боғлаганлигини кўрсатди. Бу эса Ҳиндистоннинг милий бирлигига қарши чет элдан йўл-йўриқ бериб турилган фитна уюштирилганлиг и н и яна бир марта тасдиқлади.

ИШЛАР ЧАТОҚ-КУ, ДИРЕКТОР!

ЛУҚМА

Саломатлигим чатоқ бўлмасин деган одам кўпроқ пиёда юриши керак. Камина ҳам ушбу қондага амал қилиб, бугун барвақтроқ туриб ишга пиёда йўл олдим.

Сартарошхона ёнидан ўтаётганда эълонга кўзим тушди: «Фаррош ишга қабул қилинади». Нарироқдаги магазин ойнасига ҳам нимадир ёзиб қўйилибди. Яқинроқ борнб ўқидим — «Фаррош керак». Магазиннинг ёнида модалар ателъеси жойлашган. Унинг эшигидаги ёзув— «Диққат! Шошилинч равишда фаррош ишга қабул қилинади». Эълонларни ўқиб, ўзимча хулоса чиқардим. Демак, кимнинг бозори чаққон — фаррошники, қайга борса иш топилади. Лекин ана шу камтарона касб эгасига қандай муомалада бўлишяпти экан. Қуйидаги воқеадаги каби чатоқ бўлмаётгандмикан!

«Уч боланинг онасиман, —деб ёзади Қорақамиш массивида яшовчи Рухсона Мираҳмедова.— Яқинда бир ёшу бетоб бўлиб қолди. Уни 7-поликлиникага олиб бордим. Врачлар зудлик билан «тез ёрдам» машинаси чақириб, касалхонага жўнатишди. Ўн кун боламнинг тепасида турдим. Касалхонадан қайтгач, яна икки кун унга ўзим қараб туришимга тўғри келди. Чунки қайнонам бир ярим ойдан бери ТошМИда ётган эдилар. Ишхонамга— «Нукус» кинотеатрига қайтган кунимоқ ҳол сўраш ўрнига қаттиқ ҳафа қилишди».

— Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёз! Акс ҳолда меҳнат дафтарчангни чатоқ қилиб бераман,— дедн директор.

Фаррош Р. Мирақмедова бундай ариза ёзиш ниятида эмаслигини айтди. Директор ўзининг чаққон ходимларидан бирини чақириб, ариза ёздирди. Чаққон ходим ким экан дерсиз. Касаба союз комитетн раиси А. Баҳодирова. У ўз бурчини оддий фаррош манфаатнни ҳимоя қилишда эмас, директорнинг айтганнни бажо этишда деб ўйласа керак.

Шундай қилиб, А. Баҳодирова ёзган аризага Р. Мирақмедова қўл қўйиб бершга мажбур бўлди. Кейин аризанинг бир чеккасига директор С. Исҳоқовнинг жимжимадор имзоси қўйилгач, бир ходим ишдан учиб кетди. Кетса кетибди-да, уч боланинг ризқи қирқилса қирқилибди-да. Директорга нима, асакаси кетармиди!! Ҳеч ким «Бу ишингиз чатоқ-ку, директор!» демаганидан кейин унинг айтгани айтган, деганн деган бўлаверармикан! Ёки бир нима деб қўйишармикан!

М. ВАЛИЕВ.

● ОНА НЕГА РАНЖИДИ?

ЙЎЛИ КЎП, ДЎСТЛАР

Аҳолиси 2 миллион кишидан ошган шаҳарда нима сероб, катта-кичик идора сероб. Эшикларни қия очиб, қабулхоналарга кирсак нималарга кўзимиз тушади, столстулларга. Эшиги кўп, стули кўп идораларда нима етишмайди? Ариза кўтариб келганларга эътибор, илтифот етишмайди.

Масалан қаерда? Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимида.

«27 август куни уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимига ҳужжатларни топшириб кетдим, — деб ёзади тербиячи Розикова. 17 сентябрь кўни хабар олгани бордим. Хона эшиги ёнида беш-олти киши навбат кутиб турншган экан. Улардан кейин ичкарига киришга тўғри келди. Бу хонада бўлим бошлиғи З. Зияева ўтирар эканлар. «Ҳужжатингиз бу ерда эмас, ўнинчи хонага ўтинг» дедилар.

Қўшни эшик ёнида ҳам яна бир оз навбат кутиб, ниҳоят ичкарига киришга муваффақ бўлдим. Мақсадимни айтган эдим, стол эгаси ҳозир тушликка чиқажагини айтиб (тушлик пайтига ярим соат қолган эди), телефонда аллакимлар билан гаплаша бошлади. Эрталабдан бери эшиклар ёнида навбат кутиб сарсон бўлганимни, уйда ёш болаларим ёлғиз қолишганини айтиб, ҳужжатларни кўриб беришини яна сўрадим. Илтимосларим зое кетди. Стол эгаси «эртага ёки тушликдан кейин келинг» деб чиқиб кетди.

Бир соат кутдим. Стол эгаси — Д. Ҳамроева келди, жаҳл билан фамилиямни сўраб, у ёқ-буёқни титкилади. Ниҳоят «Бизда аризангиз йўқ, яна 9-хонадан суриштиринг» деди. Иш билан келган одамга нега қўпол муомалада бўлиб, сарсон қилишади?»

Бу Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетн бўлимларида, чунончи, уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимида меҳнаткашларни қабул қилиш яхши эмаслигидан далолат бермайдими?

Ишни яхшилашга масъул ўртоқларга бир маслаҳат: тўққизинчи ва ўнинчи хона ўртасидан яна битта эшик очиб, йўлни яқин қилиб, юмшоқ стулларни кўпайтириб қўйинг! Ариза кўтариб келганларга бундан ортиқ ғамхўрлик бўлмайди. Шундан кейин ҳам кимда ким бу ерда илтифот, эътибор етишмайди деса стулга ишора қиласиз. Бунда ҳам тинчимаса эшикни кўрсатиб қўясиз. Ҳуллас, йўли кўп, дўстлар!

М. НУРМАТОВ.

● «ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР» ПОЧТАСИДАН

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Катта-кичик беш ҳазил ҳам қилишди. Бир бошдан айта қолай.

Турмуш ўртоғим К. Мирсолиев 11 йилдан бери Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасида ишлайдилар. 1977 йилдан бери эса квартирага навбатда турибдилар. Биз беш фарзанд билан ижарада яшаб жуда қийналаётганимиз ҳақида бошқарма раҳбарларига бир неча марта мурожаат этдик. Лекин фойдаси бўлмади.

Шу йил баҳорда ниҳоят уй берадиган бўлишди. «Мана шу адресга бориб кўринглар, ёқса ордер ёзиб берамиз» дейишди. Жуда қувониб кетдик. Эрхотин уй кўришга бордик. Эрта тонгдан то оқшомгача уйнинг калитини изладик. Биров прорабда деса — прорабга бордик. Бошқаси ЖЭКда деса — ЖЭКка бордик. Охири кеч соат олтиларда калитни ЖЭКдан олдик. Ички ишлар бошқармасига бориб, уй ёққанини айтдик. У ердагилар эса «Уйни бошқа одамга берамиз, сиз кейин оласиз» деб калитни олиб қўйишди. Тарвузи қўлтиғидан тушиб кетган одамдай эзилиб, сарсон бўлиб уйга қайтдик.

Олдинда қиш. Етти жон ҳамон бир хонали уйдамиз. Бунинг устига ўзимиз Ҳамза районида ижарада турсак ҳам, пропискамиз Киров районида. Болалар бетоб бўлиб қолса на у районнинг, на бу районнинг врачлари қабул қилишади. Бири у ёққа бор деса, бошқаси бу ёққа бор, дейди. Ўн йилдан бери ижарада яшаб икки ўртада сарсонмиз.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ходимлари ўртасида биздан ҳам сарсонроқ одам бормикин? Агар бор бўлса унга ҳам гоҳида қалтис ҳазил қилиб, кўнглини кўтариб қўйишаётганмикин?

Т. МИРСОЛИЕВА,
беш болали она.

Фотокалейдоскоп



Нойштадт шаҳрида нстиқомат қиладиган Ғарбий Германия граждапининг ушбу пўлат «қайчи-си» унинг ватандошларига асқотиш турган гап. ҒФР автомобиль йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт фалокатларининг сонн тобора ошиб бормоқда. Юқоридаги қайчи эса ана шундай фалокатларнн камайтиришга хизмат қиладн. Бу қайчи билан машинанинг ойнасини синдирнш, ёпнлиб қолган эшикларни очиш, хавфсизлик тасмасини қирқиб ташлаш мумкин бўлади.

МЕН АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ҚОҲИРА. Миср Араб Республикасининг халқ мажлиси Мисрнинг Араб Республикалари Федерациясидан чиқиши тўғрисида қонун қабул қилди. Ливия, Сурия ва Миср 1971 йил 17 апрелда уч мамлакат ўртасидаги бирлик йўлида биринчи қадам сифатида Араб Мамлакатлари Федерацияси тузилганлигини эълон қилган эди.

Шу қонунга мувофиқ Араб Республикалари Федерацияси доирасида тузилган ва филиаллари Мисрда бўлган барча қўшма компания ва корхоналар фаолияти тўхтатилади, шунингдек Федерация қароргоҳининг Қоҳирада бўлишига тааллуқли ҳамма битимлар ўз кучини йўқотади, деб хабар берди МЕН агентлиги.

Қарзга бериладиган бола

ҲАЖВИЯ

Малхаз ЦОТАДЗЕ,
грузин ёзувчиси.

Медико ўғли Гогинни «қарзга» сўраб, ялиниб олиб кета бошладилар. Гогининг бу фаолиятн ниҳоят даражада кенгайиб кетганлигидан, у қўшимча инглиз тили дарсига боролмай қолди.

Ниҳоят Медиконинг отпускаси тугаб, ишхонасига кетди. У уйларни ремонт қилиб бериш бюросида буюртма қабул қилувчи бўлиб ишлар эди. Унинг ёнига биринчи бўлиб кирган буюртмачи ҳаддан ташқари тихир одам экан. Медико квитанцияларни титаётиб, «мен сиз айтган ишларни бажариб бериш учун буюртма қабул қила олмайман чунки ҳозир бизда гул қоғоз, линолеум ва паркет йўқ» деса ҳам боягн киши тихирлик қилиб, кета қолмади. Медико бошини кўтариб, хира буюртмачига бир нималар деб айтмоқчи бўлиб қарадн-ю, ҳайкалдек қотиб қолди. Ўша буюртмачининг ёнида ўғли Гоги ойисига тиниқ ва равшан кўзларини жовдиратиб қараб турарди...

Кейинчалик маълум бўлишича, Гогини бир кунга «қарзга» олиб кетган бир қариндош, уни ўз навбатида бир ошнасига бир соатга «қарзга» бериб турган экан.

Эртасидан бошлаб Гогининг ишлари яна ўз аслига тушди. У яна қайтадан ҳар ҳафтада уч марта инглиз тили дарсига ва ҳар ҳафтада уч марта музика дарсларига қатнай бошлади.

С. ҒАФУРОВ
таржимаси.

Кичкина Гогининг отпускага чиқан эди. Отпускасининг ринчи куниёқ Медихола ўғли билан ан чиқиб таксига ришди.

— Ойжон, ана у нега рақамлар киллаб айланяпти?— сўраб қолди Гоги.

— Ў ерда счётчик р, — дея тушунтирМедико.

— Счётчик дегани ма?

— Бу шунақанги асобдон машинаки, з у кўрсатган рамларга қараб, йўлра ҳақини тўлашиз керак бўлади.

Гоги бир муддат ўйаб қолди. Ўнинг пеонасида ажинлар пайо бўлди.

— Ойжон! — деди ниҳоят. — Агар сиз кфёр амакига счётчик Кўрсатганидан кўпроқ ул берсангиз, улар иладиларми, йўқми?

Шунда таксичи ўгирилиб, болакайга хўмрайиб қараб қўйди.

— Гоги, жим бўл!— дея туртқилади она ўғлини. — Бунақа гапларни айтиш уят бўлади.

— Жим бўлмаймиш тийин йўлкира тўлаш лозимлигини кўрсатиб турарди. Медико таксичига икки сўм узатди. Гоги тиниқ ва равшан кўзларини жовдиратиб, шофёрга қараб турарди. Таксичи

нинг қўлидан етаклаб гастрономга кирди. Сотувчи аёл уларга колбаса тортиб бераётганда Гоги кўз узмай унга қараб турди.

— Ойжон, — дея мурожаат қилди у онасига. — нега бу сотувчи хола колбасани катта ва қалин қоғозга ўраб тортяпти? Шунақа қилиш керакми?

Сотувчининг қўли ҳавода билинар-билинмас қалтираб кетди. Семиз сотувчи хола жаҳл билан болага қараганди, унинг тиниқ ва равшан кўзлари жовдираб турганлигини кўрди.

Сотувчи хола чақноқлик билан тарози палласига бир бўлак колбасани қўйди, кейин устига колбаса қўйиб, тарози милига қаради. Ўзича бир нималар дея ғудранди, сўнгра бир парча колбаса қўшиб, яхшилаб ўраб узатди.

Она-бола кафега киришганда, официантка «чой пули» олиб қолмади.

Химчисткадагил а р хизмат учун квитанцияда кўрсатилган ҳақни олишди.

Бўшаган шиша идишларни оладиган дўкондагилар шишаларни «жой қолмади» демай қабул қилишди.

Гогининг бундай довруғи қариндош-уруғлар қулоғига бориб етди. Улар болакайни ҳам

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
5 ОКТЯБРЬ, 1984 й.




МАҲОРАТ СИНОВИ

Бугун Тошкентдаги «Динамо» теннис кортида СССР шахсий чемпионатига старт берилди. Ғолиблик учун мамлакатимиздаги 112 энг кучли ракетка устаси беллашади. 64 эркак ва 48 аёл чемпион номини олиш учун ўз маҳоратини намойиш этади.

Тошкентлик спорт мухлислари «Динамо» теннис кортида мамлакатимиздаги энг машҳур ва тажрибали теннисчиларнинг ўйинларини кўришга муваффақ бўладилар. Тўғри, мамлакат терма командасининг аъзолари москвалик Александр Зверёв, минсклик Сергей Леонюк, москвалик Андрей Чесналков саралаш баҳсларида иштирок этишмайди. Улар ҳозир ГФРда ўтаётган йирик халқаро мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Бу тажрибали спортчилар кўп ўтмай Тошкентга етиб келишади ва ярим финал учрашувларидан бахсга қўшиладилар.

Теннис бўйича мамлакат шахсий чемпионатида республикамиз вакиллари ҳам қатнашадилар. Улар кимлар? Биринчи навбатда Виктор Боготерёвни ҳисобга олиш керак. Тошкентдаги «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг вакили шу ҳафтада якунланган республика очиқ биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Спорт мастери, «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Виктор Колесниченко ҳам кучлилар баҳсида қатнашади. У республика очиқ биринчилигида маҳорат кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллаган эди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик динамочи, спорт мастери Наталья Степанова иштирок этади. У республикамиз чемпионидир. Тошкентлик яна бир динамочи, спорт мастери Светлана Юрченкога ҳам катта ишонч билдирилган. Бу спортчилар беллашувларда юксак маҳорат кўрсатиб мутахассислар ва мухлисларни хушнуд этишади деган умиддамиз.



Спорт кундалиги

● **«Текстильщчик» спорт комплексининг майдонларида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совринн учун қўл тўпи бўйича Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. Турнирда аёллар ва эркаклар командалари баҳс юритишяпти. Учрашувларни тошкентлик гандболчилар ҳужумкорлик ва уюшқоқлик руҳида ўтказишяпти. Жумладан, барча беллашувларда ғалабага эришган «Текстильщчик» аёллар командаси Олмаотининг «Экономист» командаси билан бирга турнирда пешқадамлик қилмоқда. «Старт» эркаклар командаси ҳам турнир жадвалининг биринчи поғонасини эгаллаб турибди.**

● **Шу спорт комплексида қўл тўпи бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари ўтказилмоқда. Бу ерда республика ўқувчилар терма командаси билан бирга Андижон областининг гандболчиларн пешқадамлик қилишяпти.**

● **Андижон шаҳрида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларн ўртасида ўтказилган енгил атлетика бўйича республика биринчилиги якунланди. Ғолиблик учун 300 дан знёд ёш спортчи кураш олиб борди. Умумкоманда ҳисобида Тошкентдаги «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти спортчилари ғолибликни қўлга киритишди. Иккинчи ўринга республикамиз пойтахтидаги «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг енгил атлетикачилари кўтарилдилар.**

● **Чирчиқ шаҳрида дзюдо кураши бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 200 дан знёд спортчи қатнашди. Тошкентлик спортчилардан Шуҳрат Ғафуров, Николай Коренов, Алексей Манюкин, Рустам Саидов, Дмитрий Ладижинский, Олег Учинкин ўз вазн-тоифаларида чемпион унвонини қўлга киритдилар.**

● **Тошкентдаги «Динамо» теннис кортида республика очиқ биринчилиги якунланди. Эркаклар ўртасида ўтказилган финал учрашувида минсклик Игорь Тихонько тошкентлик Виктор Богатирев билан беллашди. Омад белоруссиялик спортчига ёр бўлди. Бу ерда тўртинчи ўринни ҳамшаҳримиз Виктор Колесниченко эгаллади.**

Аёллар ўртасида ўтказилган якка разряддаги мусобақаларда красноярсклик Людмила Макарова ғолиб чиқди. У ҳал қилувчи учрашувда ереванлик Елена Гамиянни енгди. Учинчи совринли ўринни ригалик ракетка устаси Ирина Шевченкони мағлубиятга учратган тошкентлик Наталья Степанова эгаллади.

Шахматчи мемориали

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Г. Паккерт хотирасига бағишлаб ўтказилаётган шахмат бўйича Бутуниттифоқ сиртқи матчи деярли икки йилдан буён давом этмоқда. Бу спортчига билдирилган катта ҳурматдир. Г. Паккерт 30 йил давомида Ўзбекистон ССР шахмат федерацияси сиртқи мусобақалар республика комиссиясига раҳбарлик қилган. Унинг шахмат соҳасидаги фаолияти ҳам қизиқарли. Жаҳон чемпиони кубалик Х. Р. Капабланка, гроссмейстерлар А. Котов ва П. Керес билан шахсан таниш бўлган. Аёллар ўртасида биринчи жаҳон чемпиони Вера Менчик билан ўтказилган сеансда иштирок этган. Умрининг охирига қадар хат ва телеграф орқали ўтказилган мусобақалар бўйича жаҳон чемпиони Г. Борисенко билан. дўст бўлган.

Г. Паккерт хотирасига бағишланган Бутуниттифоқ сиртқи мусобақаларида мамлакатимиздаги барча иттифоқдош республикалардн 700 дан зиёд шахматчи иштирок этмоқда. Уларнинг орасида РСФСР, Украина, Қозоғистон, Молдавия, Латвия, Грузия вакиллари бор.

Республика командаси составида авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг жуда кўп ишчилари бор. Улар токарлар В. Тарасов ва А. Чувашов, радист В. Герасимов, инженерлар И. Фахрутдинов, С. Гутгарц, А. Циферов, А. Абакумовдир.

Жуда кўп мухлислар шахматни худди музика сингари ихлос билан севадилар. Шу боисдан ҳам кўпчилик бу мусобақани халқаро мусобақага айлантириш таклифини билдирмоқдалар. Воронеж университетининг профессори В. Загоровский, хат ва телеграф орқали ўтказилган мусобақаларнинг ҳозирги чемпиони эстониялик Т. Ийм ана шундай таклиф билдиришди.

Шуни айтиш керакки, шахмат мухлислари ўртасида хат ва телеграф орқали боғланганда масофа билинмай қолади. Сиртқи мусобақалар мамлакатимиздаги ва республикамиздаги жуда кўп спортчиларга ўз имкониятларини намойиш этишга шароит яратмоқда.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/Х да **Чио-Чио-Сан**, 5/Х да **Икки дил достони.**

кино

5 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» — **Санъат саройи** (18.30, 20.45).

«ПАРОЛЬ: «РЕГИНА» МЕҲМОНХОНАСИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПРОФЕССОР ДОУЭЛНИНГ ВАСИЯТИ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЕВРОПА ВОҚЕАСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«БЎРИ УЯСИ» — **Нукус** (18.30, телефон 46-70-69).

«БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

6, 7 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ПАРОЛЬ: «РЕГИНА» МЕҲМОНХОНАСИ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ПРОФЕССОР ДОУЭЛНИНГ ВАСИЯТИ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЕВРОПА ВОҚЕАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«БЎРИ УЯСИ» — **Нукус** (11, 12.30, 16, 18.30, телефон 46-70-69).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

МАЛАКА ОШИРАДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ЕСЭВМ» ОПЕРАТОРИ ВА СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА — ИШ ЮРИТУВЧИ.

Курсларни тугатганларга ҳужжат берилади.

Ўқиш бепул ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР СОАТ 18.00 ДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700084, Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Хуршид кўчаси, 45-уй (44, 56, 10, 85, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати). Телефонлар 35-52-12, 35-61-09.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ГОРЬКИЙ ТЕЛЕВИЗИОН ЗАВОДИНИНГ МАҲСУЛОТИ БЎЛГАН «ЧАЙКА» ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ СИЗЛАРНИ САНОҚЛИ ДАҚИҚАЛАРНИНГ ЎЗИДА ЕР ҚУРРАСИНИНГ ИСТАЛГАН МАНЗИЛИ БИЛАН ТЕЗДА ТАНИШТИРА ОЛАДИ!

«ЧАЙКА—207» — бу оқ-қора тасвирдаги юқори сифатли такомиллашган лампа-ярим ўтказгичли телевизион приёмникдир.

«ЧАЙКА—207» телевизорида инженерлар ва дизайнер-конструкторларнинг доимий изланиши ўзининг ёрқин ифодасини топган, телевизион техниканинг сўнгги ютуқлари ва узоқ йиллар мобайнида тўпланган бой тажрибалардан усталик билан фойдаланилган.

Турли автоматик созламалар, тасвир ҳажмини бир маромда шакллантирувчи автоматик ускунаси «ЧАЙКА—207» телевизоридан фойдаланишни анчагина енгиллаштиради.



«ЧАЙКА — 207» ТЕЛЕВИЗОРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ:

— дециметрли диапазондаги кўрсатувларни қабул қилиш учун СКД-1 блокини ўрнатиш мумкин;

— овоз ва тиниқликни бошқариш учун масофадан туриб бошқариладиган пульт улаш мумкин;

— наушниклар орқали эшиттиришларни тинглаш мумкин;

— қизиқарли кўрсатув ёки манзур бўлган куйларни ёзиб олиш учун магнитофон улаш мумкин.

ГОРЬКИЙ ШАҲРИДАГИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТЕЛЕВИЗИОН ЗАВОДИНИНГ «ЧАЙКА—207» ТЕЛЕВИЗОРИ УЗОҚ МУДДАТ ЧИДАМЛИ ИШЛАЙДИ.

У замонавий эстетик талабларни инобатга олган ҳолда ранг-баранг безакли кўринишда ишлаб чиқарилмоқда.

«ЧАЙКА—207» телевизори 220 вольтли кучланишли ўзгарувчан ток манбандан қувват олиб ишлайди.

Экранининг диагонали бўйича размери — 61 см.

Телевизорнинг баҳоси — 296 сўм.

ГОРЬКИЙ САВДО РЕКЛАМАСИ КОМБИНАТИ.

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

17-ошхонанинг «ЛЕБЕДЬ» кафеси қошидаги

МАКТАБ-ОШХОНАГА

1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ-ОШХОНА КИРОВ РАЙОНИ ЭНГ ЯХШИ ОШХОНАЛАРИ, КАФЕЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН III МАЛАКАЛИ ОШПАЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 11 ой.

МАКТАБ-ОШХОНАГА ФАҚАТ 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мактаб-ошхона замонавий, уч қаватли ажойиб бинода жойлашган, замонавий, модернизация қилинган иситиш ва совутиш қурилмалари ҳамда таълимнинг технологик воситалари билан жиҳозланган.

Мактаб-ошхона қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек 54—63 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Мактаб-ошхонани битирганлар III-разрядли ошпаз малакаси берилганлиги тўғрисида ҳужжат оладилар.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (22, 3, 23, 29-трамвай. лар; 19, 47, 89-автобусларнинг «Тимирязев кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими ...
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛ...
ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИ... УРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛ...

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТ...

Кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари монтажчи (Совет Армияси сафида ҳарбий хизматдан йигитлар), **ёритиш ва ёритиш тармоқлари монтажчи** (қизлар), **коммутация ихкиламчи тармоқ электр монтажчи** (қизлар).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 4 ОЙ.

Ҳар ойда ўқувчиларга 76 сўм миқдорида стипенди. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб ... ҳақининг 50 процентн ўқувчиларга берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШ... ЛАНАДИ.

Билим юртини тугатганлар техникум ва институтларнинг кечки бўлимларига имтиёзларга эга бўладилар.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОА... 16.30 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТ... СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшир... юрти директори номига ёзилган ариза, тар... теристика, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, ме... турар жойидан справка, ота-онасининг иш жой... 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ... Ивановолик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, ... 70, 79- автобуслар, 4, 7, 11, 26, 9, 24-трамвай... 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати»...

ТВ

жума

5 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 Концерт.
20.15 «Мактаб директорининг кундалиги». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Бугун студияда». Фильм-концерт премьераси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Атмосфера қуюнларининг жумбоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Онамларнинг мактаби».
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 М. И. Глинка романсларини халқаро конкурс лауреати Н. Дроздова ижро этади.
21.00 «Биз БАМни қуряпмиз».
21.30 «Время».
22.05 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия (ГДР).

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница-84» (такрорий).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўзбекистон халқ ёзувчиси А. Удалов билан учрашув» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Г. Назарова.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Эртага — премьера». Кинокўрсатувни М. Муҳаммад Дўст олиб боради.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Халқ жасорати саҳифалари». Улуғ Ватан уруши ветеранларининг Тошкент шаҳар студент қурилиш отрядлари жангчилари билан учрашуви (такрорий).
19.15 «Звездочка». Болалар учун киноальманах.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Дўстлик оқанглари».
20.50 СССР Конституцияси куни-га. «Совет турмуш тарзи». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

шанба

6 ОКТЯБРЬ

ЭРТАГА, 7 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.50 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
10.00 «Спортлото»нинг 40-тиражи.
10.10 «АБВГДейка».
10.40 Акробатика бўйича жаҳон чемпионати. Болгариядан олиб кўрсатилади.
11.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.55 «Поэзия». А. Жигулин.
12.30 Ю. А. Жуков суҳбати.
13.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». «Инсон ва коинот».
14.30 ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
15.30 Смёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
16.00 «Эртага — Ўқитувчилар куни».
16.30 «Дунё воқеалари».
16.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Трактор». 2-ва 3-даврлар.
18.15 Ўқитувчиларга бинон...
18.50 «9-студия». ...сий шарҳлов... олиб боради.
19.50 «Ишончли ... фильм.
21.30 «Время».
22.05 Останкино ...сида «1984 ...
23.45 Шахмат бў... пионати. И... сатув.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки ...
9.15 «Агар соғлом ...
9.30 Гитарачи А. Б... ди.
9.50 «Ойкумен ... мий-оммабоп ...
10.10 «Тонгги по... кўрсатув.
10.40 «Стадион ...
11.10 ДНЕПРОПЕТ... СТУДИЯСИНИ... МАСИ.
12.00 «Карагод» ... самбли ижро...
12.20 Ҳужжатли ф... разаси дебю... «Свергиевск... рия» курорти.
12.45 «Цирк ва ... ёки Фигаро...
13.40 П. Бомарш... ёки Фигаро... Москва Сенси... фильм-спектакл...
16.30 «Кинотомоша...
17.15 «Халқаро обзо...
17.30 «Мусиқали ма...
18.00 Ҳужжатли ф... таб директо... улгурадн, «Ки... лари», «Сапер...
19.00 «Галичанка» ... халқ капелласи...
19.35 «Китоб учун» ... Телефильм.
19.55 «Қаҳрабо ... рия». Эстрад...
20.30 «Тунингиз ... кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Тоғ новелласи» бадиий фил...

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Ўқитувчилар ... узоқ ижтисо... фильм.
11.50 «Шахмат ...
11.55 «Инсон ва ...
12.25 Тошкент ... комитети ... қ армаси ... самблининг ...
12.55 ГДР эълон ... 35 йиллигига ... чақмоқлари». ... 1-серия.
14.10 «Йўл ҳаракати ... учун».
14.40 Мактаб ... «Санъат гул...
18.00 Кўрсатувлар ...
18.05 Мультфильм...
18.30 Болалар ...
19.00 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот ...
19.45 «Оламга ... сатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Санъаткорлар ... корларга, ... грамма.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Химоначилар ...
22.20 Ўқитувчилар ... родоки». Бадиий ...
23.35 Кўрсатувлар ...

● ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ПРОГРАММАСИ

9.00—18.00 МТ II
18.00 Кўрсатувлар ...
18.05 Мактаб ўқув... «Олға, карвон...
18.45 «Менинг ... фильм.
19.00 «Новости».
19.20 «Тенгдошлар ... кўрсатув.
20.00 «Ахборот».
20.25 «Жаҳон бир ...
20.45 «Яна бир ... театр.
21.30 МТ II

Фрунзе сазо... коллективи, ... ва касаба союз... омбор мудири ...

Ҳамидулла Ҳам... УБАЙДУЛ...

вафот этганлиги... гу билан билди... нинг оила аъзо... изҳор қилади.



ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

Ушбу турқум материаллари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бошлиғи милиция подполковниги М. А. ВАУЛИН таҳрири остида бериб борилади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ДИҚҚАТ: ЙЎЛДА БОЛАЛАР

Йўл ҳаракати иштирокчиларидан бири — пиёдалар интизоми ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, болаларнинг кўчаларда ўзини қандай тутиши, қоидаларни қанчалик билиши биз катталарга кўп жиҳатдан боғлиқ. Афсуски, ҳамиша ҳам барча ота-оналар, жамоат ташкилотлари, мактаблар кичкинтойларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишда изчиллик кўрсатишяпти, деб бўлмайди.

Ёш болаларнинг ўйинқароқлиги, юқорида айтилганидек йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари туфайли рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар ҳамон учраб турибди. Мактаблардан қайтаётган ўқувчилар баъзан йўлларда турли хил ўйинлар ўйнайдилар, йўл ҳаракати қоидаларига бутунлай риоя қилмайдилар ва бунинг оқибати ёмон тугаши ҳақида бош ҳам қотириб ўтирмайдилар.

Болаларни йўлларда содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодисалардан муҳофаза этишда ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам жонбозлик кўрсатмоқликлари керак. Болаларнинг серҳаракатлигини, ҳар нарсага қизиқиш билан қарашлари биз катталарга сир эмас. Болаларнинг кўпчилиги катта серқатнов йўлларда волосипед миниб, «бемалол» юришлари ёки коптокни ўйнашлари йўл ҳаракати қоидаларининг қўпол тарзда бузилишига, йўл-транспорт ҳодисаларининг рўй беришига олиб келмоқда. Шу йилнинг етти ойи ичида йўл ҳаракати ҳодисаларининг статистик маълумотлари бундан яққол гувоҳлик беради. Ана шу даврнинг ўзида 358 дан ортиқ бола жароҳатланди.

Бундай хунук воқеаларнинг содир бўлмаслиги учун ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилар барча болаларга йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатмоқлари, шу билан бирга уларга бу соҳада шахсий намуна кўрсатмоқлари, уларни назорат қилмоқлари керак. Болаларнинг хавфсизлиги катталарнинг йўл ҳаракати қоидаларига бўлган муносабатларига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли болалар билан кўчаларда юрганда, болалар сизларнинг хатти-ҳаракатларингизга тақлид қилишларини асло унутманг.

Ёш болалар кўча юзида назоратсиз ўйнашига йўл қўймайлик, уларга йўл ҳаракати қоидасидаги барча йўл белгиларини пухта ўзлаштириб олишларида кўмаклашайлик. Ана шундагина болалар ўртасида содир бўлаётган йўл-транспорт кўнгилсиз ҳодисаларининг олдини олган, ёш авлоднинг бегубор, қувноқ ва бахтли ҳаётини сақлаб қолишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

А. ЭРНАЗАРОВ,

Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси агитация ва пропаганда бўлинмаси ходими, милиция катта лейтенанти.

● ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЕКТИРАДИ

Кўнгилнинг кўчаси кенгми?

Пиёда ҳам ҳайдовчи каби йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчисидир. Шунинг учун ҳам пиёда йўловчи йўл ҳаракати қоидаларини пухта билиб, унга амал қилган ҳолда ҳаракат қилмоғи мақсадга мувофиқдир. Лекин амалда кўпинча бунинг акси бўлади. Пиёдалар ҳаракат қоидаларини менсимайдилар, кўнгиллари қаердан ўтишни тусаса, ўша ердан ўтадилар. Бунинг оқибати эса маълум...

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш агентлигининг ходими В. Сладков ҳам ана шундай қондабузарлардан десак хато қилмаган бўламиз. Чунки у Ш. Руставели кўчасида ер ости ўтиш йўли бўла туриб, йўлнинг серқатнов қисмидан ўтмоқчи бўлди. Натижада «ГАЗ—24» маркали «00—16 ТНА» номерли автомашинасининг ғаърбига учраб, қаттиқ жароҳатланди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик ёмон оқибатларга олиб келади. Буни юқоридаги мисолдан билиб олиш қийин эмас. Шундай экан, кўчада кўнгилнинг кўчаси кенг бўлмасин.

Ғ. БОЛТАБОЕВ.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ХАВФСИЗЛИК ВОСИТАСИ

Яқинда йўл ҳаракати қоидаларига бир мунча ўзгартишлар киритилди. Бу ўзгартишларда хавфсизлик тасмасига онд гап бормн! Умуман хавфсизлик тасмасида қандай нуқсонлар бўлса, уни алмаштириш керак!

М. АЗИЗОВ,
автоҳаваскор.

Маълумки, шу йил 1 сентябрдан амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига қисман ўзгаришлар киритилди. Вақт тақозоси натижасида янгича талаблар билан тўлдирилган қоидаларнинг 27. 3. 44-бандида кўрсатилишича, хавфсизлик тасмаси яроқсиз ва тасма материали сўкилган автомашиналарни эксплуатация қилиш тақиқланди.

Аслида хавфсизлик тасмасидан фойдаланиш муддати беш йил қилиб белгиланган. Бу муддатдан сўнг ёхуд айрим сабабларга кўра фойдаланиш имконияти бўлмай қолган тасмани алмаштиришга тўғри келади.

Тасма йиртилган ёки сўкилган бўлса, қулф тасманинг «тили»ни ушлаб туролмаса, тугмача босилганда қулф тасмани қўйиб юбормаса, тасма инерцион ғалтакка қайта тортилмаса, инерцион ғалтак айланмай қолса, хавфсизлик тасмасини алмаштириш керак.

Албатта, тасма ҳайдовчи хавфсизлигига кафолат берадиган воситалардан биридир. Шундай экан, унинг созлигига эътибор бериш ҳар бир ҳайдовчининг бурчидир.

У. УСМОНОВ,

Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ходими, милиция майори.

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинарн тингловчиларн диққатига.

8 октябрь соат 18.30 да «Билимлар уйи»да «Ҳозирги босқичда идеологик кураш» мавзуида лекция ўқилади.

Лектор — фалсафа фанлари кандидати, Москва Давлат университетининг илмий коммунизм кафедраси доценти В. С. Романов.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 32_55_32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 ОКТЯБРЬ, 1984 й. Р— 12494. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8